



**«УХК» АГРЕГАТИДА ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКДАН ТОЗАЛАШ
БЎЛИМЛАРИДА ЧИҚИНДИ ТАРКИБИДАГИ ПАХТА БЎЛАКЛАРИНИ
РЕГЕНЕРАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАДҚИҚИ**

М1-15 гуруҳи магистранти Н.Ш.Набиев,
Илмий раҳбар т.ф.д. Ш.Ш.Хакимов

«УХК» агрегатига асосланган тозалаш оқимида тўртта пахтани йирик ифлосликдан тозалаш бўлимларида чиқинди таркибидаги пахта бўлақларини регенерация қилиш амалга оширилади. Бу бўлимларда чиқинди таркибидаги пахта миқдорларини тадқиқ қилиш бошланғич, ўрта ва охири регенерация бўлимларида чиқинди таркибидаги пахта миқдорининг миқдори ўзгариши ҳар-хил эканлигини кўрсатди. Чиқинди таркибида пахта бўлақларини бошланғич, ўрта ва охири регенерация бўлимларида колосниклар орасидаги масофани ўзгартириб камайтириш мумкин.

UXK cotton to clean the units based on the flow of the four large pieces of cotton in the composition of cleaning the Augean waste regeneration. In this section, the amount of cotton in the composition of waste in primary, middle and last part of regeneration of waste in a show that any change in the amount of the amount of cotton-type. Waste of cotton pieces of elementary, middle and last regeneration can be reduced by changing the distance between the departments fire-bars.

Пахта хомашёсини дастлабки ишлашда толанинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш ва ресурстежамкор ускуналардан фойдаланиш иқтисодиёт учун жуда самаралидир.

Маълумки, пахта толаси унинг таркибидаги ифлослик аралашмаларига кўра синфларга (олий, яхши, ўрта, оддий, ифлос) ажратилади. Синфлар ўртасида бир тонна толанинг улгуржи нархи 40-50 минг сўмга фарқ қилади. Битта пахта тозалаш корхонаси ўртача 30 минг тонна пахтани қайта ишлаб 10 минг тоннадан ошиқ тола олинади. Агар олинган тола бир синф паст кўрсаткичда бўлса корхона 500 млн. сўмга яқин фойдани кам олади.



Пахта хомашёсини қайта ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологиясига[1] асосан «УХК» агрегатига асосланган тозалаш оқимида тўртта пахтани йирик ифлосликдан тозалаш бўлимларида чиқинди таркибидаги пахта бўлақларини регенерация қилиш амалга оширилади.Тозалаш агрегатининг асосий тозалаш аррачали барабан ҳаракат йўналишида 10 дона колосник, регенерация аррачали барабан ҳаракат йўналишида 15 дона айлана шаклдаги колосник ўрнатилган. Бу тозалагичнинг барча пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўлимларидаги асосий тозалаш аррачали барабан ҳаракат йўналишидаги ҳам регенерация барабанлари ҳаракат йўналишидаги колосниклар орасидаги масофа бир хил, яъни 40 мм.ни ташкил этади. Лекин бу бўлимларда тозаланадиган пахта миқдори ва унинг хусусиятлари ҳар-хил.

УХК агрегати пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўлимларда чиқинди таркибидаги пахта миқдорларини Алимкент пахта тозалаш корхонасида тадқиқ қилиш бошланғич, ўрта ва охири регенерация бўлимларида чиқинди таркибидаги пахта миқдорининг миқдори ўзгариши ҳар-хил эканлигини кўрсатди (1-жадвал).Тадқиқот даврида пахтанинг Порлок селекция нави, 1-саноат нави қайта ишланди. Пахтанинг тозаланишдан олдинги ифлослиги 6,4 %, намлиги 8,6 %. Жадвал асосидаги график 1-расмда келтирилган.


1-жадвал

**УХК агрегати бўлимларида чиқинди таркибидаги пахта ва ифлосликлик
миқдорининг ўзгариши**

| № | УХК 1-бўлими | | УХК 2-бўлими | | УХК3-бўлими | |
|---|----------------|-------------|----------------|-------------|----------------|-------------|
| | ифлосл ик,% | пахта, % | ифлос лик,% | па хта,% | ифлосл ик,% | пахт а,% |
| | | | | | | |



| | | | | | | |
|---------------|--------------|--------------|--------------|-------------------|--------------|-------------------|
| 1 | 46.42 | 53.58 | 60.10 | 39. 9 | 37.76 | 62.2 4 |
| 2 | 45.85 | 54.15 | 61.58 | 38. 42 | 35.82 | 64.1 8 |
| 3 | 46.38 | 53.62 | 62.2 | 37. 8 | 36.76 | 63.2 4 |
| Ўртача | 46.22 | 53.78 | 61.29 | 38. 71 | 36.78 | 63.2 2 |



1-расм. Тозалаш бўлимларида чиқинди таркибидаги пахта ва ифлосликлик миқдорининг ўзгариши

УХК агрегатида ажраладиган чиқиндидаги пахта бўлакчалари миқдорини асосий кўрсаткич сифатида олиниб регенерация бўлимларида колосниклар орасидаги масофанинг рационал кўрсаткичларини аниқлаш бўйича [2] илмий изланишдаги лаборатория ускунасида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тадқиқот натижалари бошланғич, ўрта ва охири регенерация бўлимларида колосниклар орасидаги масофани ўзгартириб чиқинди таркибида пахта бўлакларини камайтириш мумкинлиги кўрсатди. Бунда агар УХК агрегатининг биринчи бўлими регенерация барабани йўналишидаги колосниклар орасидаги масофа 40 мм, мос равишда иккинчи бўлимда бу кўрсаткич 35 мм, учинчи ва тўртинчи бўлимларда бу кўрсаткич 30 мм. бўлганда чиқинди таркибидаги пахта бўлакчалари миқдори 15-20 % камайиши, тозалаш оқимининг самарадорлиги сақланиб қолиши аниқланди.

Амалий изланишларда аниқланган кўрсаткичлар асосидаги УХК агрегати тозалаш бўлимлари учун колосниклар панжараси (2-расм) Сайхунобод пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди. Синов натижалари амалий изланишларда аниқланган натижаларни тасдиқлади. Чиқинди таркибида пахта бўлакларини камайтириш РХ ускунаси самарадорлигини оширади. Пахта хомашёси табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолади



2-расм. Колосниклар панжарасининг sanoat namunasi

Регенерация бўлимларида таклиф этилган кўрсаткичдаги колосниклар панжарасини ишлаб чиқаришга тадбиқининг иқтисодий самарадорлигини бирламчи ҳисоблаш битта пахта тозалаш корхонаси учун 82 млн. сўмни ташкил этишини кўрсатди.

Хулоса

УХК агрегати тозалаш бўлимларида регенерация барабани йўналишидаги колосниклар орасидаги масофани ўзгартириб чиқинди таркибида пахта бўлақларини камайтиришга эришиш мумкин. Бу эса РХ ускунаси самарадорлигини оширади. Пахта хомашёси табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолади

Адабиётлар

1. Пахта хомашёсини қайта ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси, ПДИ-30-2012, Тошкент, “Мехнат”, 2012 й.
2. Ҳакимов Ш.Ш. Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш жараёнида тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар // Тўқимачилик муаммолари. - Тошкент. 2015, №3, б.14-17.